

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН Фойдаланиш тугрисида шартнома

24 » январ 2022 йил

360312 сонли

Шахрисабз ш.

Хисор давлат қурилиш компанияси (буендан буён "Истеъмолчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи раҳбари Б. Дрошов бир томондан ва Кашкадарё электр тармоқлари ОАЖ Шахрисабз шаҳар электр тармоқлари (буендан буён "Таъминотчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи раҳбари С. Ташов иккинчи томондан Ушбу шартномани куйидагилар хақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртмасига мувофиқ уланган тармоқ орқали электр энергияси етказиб беришни ўз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1-иловасида белгиланган қувватдаги электр энергиясини қабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.
- 1.2. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узғаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.
- 1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми 7200 кВт.с ташкил қилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)
- б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган микдорда сақлашни;
- в) электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта таксимланишини "Таъминотчи"дан талаб қилишга ҳақлидир.
- г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хоҳишига қура;
- д) муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган холда етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни ва хақини тулашни рад этишга
- г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир. ■

2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

- а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларнинг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утқазилсин (истеъмолнинг ҳисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);
- б) электр тармоқлари, асбоб ускуналарининг тегишли техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш;
- в) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носозликлар хақида "Таъминотчи"га хабар бериш;
- г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг иш режимида риоя қилиш шартноманинг 4-иловасига мувофиқ.
- д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;
- е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.
- з) "Истеъмолчи" ҳар ойда булиниш чегараларида урнатилган ҳисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини ҳисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тўлов суммаси аниқланади.

2.3. "Таъминотчи"нинг ҳуқуқлари:

- а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақини тулашини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишни;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманоммага мувофик етказиб берилган электр энергиясини кабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни "Истеъмолчи"дан талаб қилишга ҳақлидир;

в) унинг вакили тегишли амал қилиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд бўлганда электр хисоблагичларни қуриб текширади;

г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион хисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утказмайди ҳамда УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Қарорига мувофик уларни замонавий электрон хисоблагичларга алмаштирилишини талаб қилади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари;

а) қонун ҳужжатларига мувофик ушбу шартнома мажбуриятлариниш уз муддатда бажарилишини таъминлаш;

б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатилган миқдордаги электр энергиясинн электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига етказиб бериш;

в) электр тармоқларининг баланс бўйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган миқдорда сақлаш 3-иловага мувофик;

г) электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр усқуналарининг қурилма қоидалари" 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;

д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин огоҳлантириш;

е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул қўймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташқари тухтатилиши сабабларини хабар қилиш;

ж) "Истеъмолчи"га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини хабар қилиш;

ж) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида чеклашнинг жорий этилиш ҳажми ва вақтини курсатган ҳолда 24 соат олдин хабар қилиш;

з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.

и) "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"га (УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Қарорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-қитоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Қарорига 2-илова) риоя қилинсин.

к) Тақдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га хисоб-фактура ёзиб беради.

2.3. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар :

а) "Истеъмолчи" хар ойда фақатгина харажатлар сметасида электр энергияси учун 2014 йилда ажратилган маблағлар доирасида тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

б). «Истеъмолчи» томонидан етказиб берилган электр энергияси учун қонунчилик асосида белгилаб бериладиган Ўзбекистон Республикасида амалдаги тарифлар бўйича ҳақ тўланади.

в). Етказиб берилган электр энергияси учун тўловлар, нақд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида қўзда тутилган маблағлар доирасидан чиқмаган ҳолда мазкур шартноманинг 3.1. бандидаги ойма –ой графикка асосан тўловни амалга оширади.

г). «Истеъмолчи», «Таъминотчидан» хар ой якуни бўйича бюджет ташкилотларига етказиб берилган электр энергиясининг ҳажми ва суммаси бўйича маълумот олишга ҳақлидир.

д). «Истеъмолчи», «Таъминотчи» томонидан электр энергия учун ажратилган маблағлар доирасидан ортиқча етказиб берилган электр энергияси учун ҳақ тўламайди.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик баҳоси 3240000
(Ҳе шай шонг икки юз кырғ миң 2) сўмни ташкил этади.

Етказиб берилган Электр энергияси хисоб-қитоблар мазкур шартноманинг графиги асосида фақатгина бюджет хисобидан ажратилган маблағлар доирасида тўланади, тарифи бир ставкали, икки ставкали, табақалаштирилган ставкада белгиланади. (зарур бўлмагани ўчирилади) Шартнома бўйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари - 3 ва 6-сонли иловаларда берилади.

шартномада назарда тутилган электр энергияси хажми кийматининг камида 30 фоизини олдиндан туламаганда;

хисоб-китоб оyi тамом булгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол килинган электр энергияси учун туланмаган карзи мавжуд булганда;

"Истеъмолчи" электр энергияси тармогига узбошимчалик билан уланганда ёки кувват шартномада келишилган миқдордан оширилганда;

"Узстандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол килинадиган энергияни хисобга олиш приборларига эга булмаганда;

"Таъминотчи"нинг вакили соат 9.00 дан 18.00 гача булган давр мобайнида хисоблаш приборларини куришга асосиз куйилмаганда, **"Таъминотчи"** электр энергияси беришни тухтатиб куйиш хукукига эга булади.

5.4. **"Истеъмолчи"да** хисобга олиш прибори булмаганда; хисобга олиш прибори **"Истеъмолчи"нинг** айби билан шикастланганда; хисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки хисоблагичдан ташкари нагрузка уланганда;

фойдаланилган электр энергияси учун хак белгиланган муддатларда туланмаганда **"Истеъмолчи"** 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармогидан узиб куйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб куйиш техноген ва авария окибатларига олиб келиши мумкин булган, алохида хавф ва узлуксиз технология жараёнга эга булган (Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун хисоб-китоб килиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тугрисида" ги 511-сон Карор низомининг 1-илбвасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган карзлари вужудга келган тақдирда хаки туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб куйиш эса факат суд карорига кура амалга оширилиши мумкин. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий кисми хисобланади. (7-иловага мувофик)

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан куп миқдорда электр энергияси етказиб берилмаган холларда **"Таъминотчи"** **"Истеъмолчи"**га муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси кийматининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак пеня туланиши **"Таъминотчи"ни** шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси хакини уз вақтида туламагани учун **"Истеъмолчи"** **"Таъминотчи"**га утказиб юборилган хар бир кун учун тулов суммасининг 0,1 фоизи (махсус тартибга кура электр энергияси бериладиган корхоналар учун 0,2 фоиз) миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3. **"Истеъмолчи"нинг** таклифига кура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан кеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги хажмларининг узгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортикча олиш деб хисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошка масалалар Узбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар, коидага кура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хам хаклидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавкулудда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошка табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

2022 йил жами	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
бюджет	1000000	1000000	1000000									

(минг.сумда)

3.2.Фойдаланадиган электр энергия йиллик ҳажми 3240000 кВт.с. 4200 сўмни ташкил килади.

Шартнома тузилган даврда 1 кВт.с. электр энергия нархи 450 сўмни ташкил килади.

3.3.Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган ўзгаришлар доирасида хизмат кўрсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат ҳақини Истеъмомчи томонидан ўзаро келишилган ҳолда шартнома суммасига ўзгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

3.4. "Истеъмомчи"нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмом килинганда туланган аванс маблағлари кайтарилмайди, балки истеъмом килинган электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.5. Ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр ҳисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши миқдори "Истеъмомчи" билан биргаликда ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади ва тўлов учун "Истеъмомчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади. (6-иловага асосан)

3.6.Хар хил тариф гуруҳига таалушли бир неча объектларга эга истеъмомчилар билан ҳисоб-китоблар хар бир тариф гуруҳига урнатилган ҳисобга олиш приборлари курсаткичлари бўйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект бўйича билиб кўрсатилган битта ҳисоб-фактура ёзиб берилади.

Кисман (тулик ҳажмда эмас) ҳақ туланганда, "Истеъмомчи" тулов ҳужжатида қайси тариф гуруҳлари бўйича тулов биринчи навбатда амалга оширилаётганини курсатиши керак. Акс ҳолда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга. Электр энергияси истеъмоли ҳақида ҳисобот тақдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли ҳажми бўйича ҳисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмом цилинган электр энергияси бўйича қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда ҳисоб-китобни амалга оширади.

3.7."Истеъмомчи" бир неча тариф гуруҳига эга булса, у олдиндан тулов ҳужжатида тариф гуруҳи бўйича электр энергияси суммаси ва ёки миқдорини курсатиши керак. Акс ҳолда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

3.8. Узил-кесил ҳисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда "Таъминотчи" "Истеъмомчи"га электр энергия беришни тўхтатади.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1.Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак.Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2.Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманоманда курсатилган муддатлар ва хажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади 5-иловага мувофиқ.

"Таъминотчи" буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3."Истеъмомчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш миқдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Таъминотчи"ни буюртманоманда курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом булишигача камида 10 кун олдин хабардор килади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

5.1 Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йул қуйилади.

5.2. "Истеъмомчи" билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ унта дархол хабар берган ҳолда электр энергияси беришни вақтинча узиб қуйиш, тухтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб булмайдиган чораларни куриш зарур булган ҳолларда йул қуйилади.

5.3.Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

9.1. Шартнома уч томонлама имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2014 йил 31 декаргача амал килади.

9.2. Мазкур шартномага узгартиришлар (кушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.3. Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган таъдирда тўхтатилади.

9.5. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган таъдирда тухтатилади.

X. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган таъдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома уч нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан колдирилади. Шартноманинг хар учала нусхалари тенг юридик кучга эга.


«

XI. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТИ

«Ташминотчи»
Шохрисабз ШЭТК
Шохрисабз шаҳар
Ипак йўли бўйи №102 дў
тел/факс 522-730-55
х/р 220360080017786349
банк номи Ўзбекистон Республикаси -
Курилиш Банк
МФО 00854 ОКОНХ 11170
ИНН 200666494

Рахбар
М.У

Анвар С. Тошев



«Истеъмолчи»
Тисор давлат курилиш компанияси
Шохрисабз тумани
Ипак йўли №140 уй
тел/факс 522-76-709
ш/х 100021860102457056200144001
банк номи Ташминот
Марказий Банк
МФО 00014 ОКОНХ 32000
ИНН 201602296

Рахбар

М.У

Анвар Т. Ораниев



Ушбу 2014 йил

январ

даги

№ 360512 сонли


Тисор давлат курилиш компанияси билан

Шохрисабз шаҳар ЭТК уртасида тузилган шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1
Хужалик юригувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисидаги Қонуни талабларига мос келади.

Хуқуқшунос

(имзо)

М.У.



Д. Мешков

(Ф.И.Ш.)

2022 йил «24» Январ даги
№ 3603/2 сонли шартномага 1-сонли
илова.

Шахрисабз туман электр тармоклари корхонаси томонидан 2022 йил давомида етказиб
бериладиган электр энергияси куввати

ОЙЛАР	Улчов бирлиги	Микдори (КВТ)	Нархи	Суммада
Январь	КВТ	2400	450	1080000
Февраль	КВТ	2400	450	1080000
Март	КВТ	2400	450	1080000
1-чорак жами		7200	450	3240000
Апрель				
Май				
Июнь				
2-чорак жами				
Июль				
Август				
Сентябрь				
3-чорак жами				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
4-чорак жами				
Хаммаси 2022 йил		7200	450	3240000

Шахрисабз туман электр тармоклари

бошлиги:

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Хисор давлат куриқхонаси

Директори: Б.Оромов

(имзо)